O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV №

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 16-avgust, chorshanba, 33 (363)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқлол йилларида замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган корхоналар, ўқув муассасалари, йўллар ва бошқа иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар ҳозир халқимизга хизмат қилиб, аҳолининг оғирини енгил қилмоқда.

Урганч шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи ҳам Мустақиллик йилларида бунёд этилди. Сиз суратда кўриб турган Олимпия заҳиралари коллежининг ўқув биноси ҳар бир кишининг кўзини қувонтириши шубҳасиз.

Диққат, янги рукн: «Партиямизнинг фаол аёллари»

(2-бетда ўқийсиз.)

• *Фракция йиғилишида*

ТАЪТИЛ ТУГАДИ, ФАОЛИЯТ БОШЛАНДИ

Душанба куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия нашри фаолияти хусусида ўринли фикрлар билдирилди.

Йиғилишда таътилдан қайтган фракция аъзолари, Марказий кенгаш девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Дастлаб фракция раҳбари Хуршид Дўстмуҳаммад йиғилишни кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни кун тартиби билан таништирди. Биринчи масала — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси муҳокамасига биринчи ўқишда тақдим этилаётган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида фракция аъзоси Олимжон Ўсаров фикр билдирди.

Шундан сўнг палата мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиладиган «2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги, «1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги ва «2002 йил 7 июнь Санкт-Петербург (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (2006 йил 15 июнь, Шанхай) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларидаги муҳокама этилди. Бу масалада сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев бу ҳужжатлар давлатимизнинг ташқи сиёсатида муҳим аҳамият касб этишини қайд этиб, фракция аъзолари томонидан бу қонун лойиҳаларининг қўллаб-қувватланишига умид билдирди.

Кун тартибидаги учинчи масала — «Миллий тикланиш — боқий партия» китобининг тақдимоти хусусида фракция аъзоси, китоб нашр этилишининг ташаббускорларидан бири Раъножон Зарипова сўзга чиқди:

— Сўнгги вақтларда партия белгиларини қайта ишлаш юзасидан кўп ишлар қилинди, жумладан, «Миллий тикланиш» рамзий белгиси, партия билети янгиланди, Устав қайта нашр этилди. «Миллий тикланиш — боқий партия» китоби ҳам бу ишларнинг амалий давоми бўлди, десам хато бўлмас. Бу китобда партиямиз тарихи, бугунги куни ва истиқболдаги режалари акс эттирилган. Ишонаманки, бу қўлланма, том маънода, «Миллий тикланиш» партиясининг юзига айланади.

Шунингдек, фракция аъзолари томонидан партия фаолияти билан бошқа ташкилий-молиявий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда партия нашри — «Миллий тикланиш» газетаси фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтилди. Умуман олганда, газетанинг сўнгги вақтлардаги фаолияти анча ижобий баҳоланди. Шу билан биргаликда, газетани янада жонлантириш, ўқишлилигини ошириш юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

Умид Исмоилов:

— Иш бор жойда, камчилик, муаммо бўлади. Бу табиий ҳолат. Матбуот ютуқларини эътироф қилиш билан бирга, камчиликларни танқид ҳам қилиши лозим. Шу маънода, «Миллий тикланиш» газетасида муаммо, таҳлил, танқид йўналишидаги мақолаларни кўпайтириш керак. Жиллақурса, партиямиз ҳаётидаги муаммоли масалаларни ўзимизнинг нашрда ёритиб борсак, мақсадга мувофиқ бўларди...

Хуршид Дўстмуҳаммад:

— Бошқа оммавий ахборот воситалари назаридан четда қолаётган мавзуларни топиш керак...

Жума Чоршанбиев:

— Партия нашрининг асосий мавзуси бу — партия ҳаёти бўлиши даркор. Партия ҳаётини ёритишда эса ижодий ёндашув етишмайди. Ижодий ёндашилсагина, расмий хабар ҳам оддий ўқувчига қизиқ бўлади...

Мунира Қориева:

— Газетамиз саҳифаларида бошқа хориж партиялари ва парламентлари ҳаёти ҳақида мақолалар бериб бориш зарур, деб ҳисоблайман. «Миллий тикланиш» партиясига руҳан яқин бўлган партиялар фаолиятига алоҳида тўхталиш лозим...

Муҳаммаджон Раҳматов:

— Халқимизда, қарс икки қўлдан чиқади, деган мақол бор. Газета фаолиятини жонлантириш учун нафақат ижодий ходимлардан, балки депутатларимиз ва партия аъзоларининг ўзидан ҳам янада фаоллик зарур...

Фракция аъзолари кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Денов туман кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Наманган туман кенгаши ташаббуси билан 4-мактабгача таълим муассасасида расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши ташаббускорлигида Жиззах шаҳрида «Ватан ягонадир — ватан биттадир» мавзуида вилоят ва туман кенгашлари депутатлари билан учрашув ўтказилди.

* * *

Сурхондарё вилоят партия кенгашининг навбатдаги котибият йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Сурхондарё вилояти Музработ туман марказий шифохонасида «Конституциявий жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши фаоллари Наманган шаҳридаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиб, 50 та оилага моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишди.

* * *

Партиянинг Бухоро шаҳар кенгаши «Пиридастгир» маҳалласида «Кутубхона — билим манбаи» мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилояти Ховос туман кенгаши ташаббуси билан Ховос қўрғончасида партия фаоллари иштирокида «Дўстлигимиз бирликда» мавзуида қозоқ, тожик, қирғиз ва озарбайжон миллати вакиллари билан учрашув ташкил қилинди.

* * *

Партиянинг Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ватаним истиқлоли муборак» номли тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашида «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Самарқанд шаҳар кенгаши 10-мактабгача таълим муассасасида «Мен истиқлол фарзандиман» мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

Партиянинг Наманган вилоят Тўрақўрғон туман кенгаши ташаббуси билан «Кучли давлатдан кучли жамият сари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Навоий шаҳрида партиянинг вилоят кенгаши ташаббуси билан партиянинг туман кенгашлари қошидаги «Хотин-қизлар қаноти» раислари ва лидер аёллар иштирокида «Аёл — баркамол авлод мураббийси» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилояти Вобкент туман кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Ёшлар ва истиқлол» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Учтепа туман кенгаши ташаббуси билан «Замонавий аёл» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Ифтихор

Истиқлол йилларида кишиларимиз тафаккуридаги ўзгаришлар ҳақида сўз борса, мустақиллик кунининг умумхалқ байрамига айланиб бораётганидан баҳри дилинг очилади. Умумхалқ қадрияти эса қалб айёмларидан бошланади. Қарши шаҳридан бошланган сафаримиз туманларга уланиб кетар экан, кўз ўнгимиздан ўтаётган манзараларга қараб шундай хаёллар кечади кўнгилдан. Вилоят маркази улкан қурилишлар шаҳрига айланибди. Кўчалар кенгаймоқда, равонлашмоқда — либосларини янгиланмоқда. Кўчаларнинг чеҳраси очилмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ ҲАЯЖОНЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган байрамолди учрашувлари кўтаринки руҳда ўтди.

Шундай — кўчалар, йўллар ҳар қандай шаҳарнинг юзи ҳисобланади. Автобусимиз ичида ҳайратларга тўла хитоблар тинмайди:

— Асфальтни қаранглар! Германияникидан қолишмайдия!

— Бе, Германия асфальти Қаршининг бир кунлик иссиғига дош беролмайди.

— Ўзиям ҳарорат элликка етган кўринади-ёв!

— Лоф ҳам эви билан-да, элликдан пастроқ, денг!..

Ҳамроҳларимизнинг бари ижод аҳли эмасми, лоф дейсизми, муболаға дейсизми — илло, ҳеч бир ташбеҳ бежиз эмас, деганларидек, шоир Сирожиддин Саййиднинг топқирлиги барчага ёқиб тушди:

— Қаршининг ҳарорати қуёшидан эмас, шу офтобда меҳнат қилаётган қашқадарёликларнинг ғайратидан!..

«Кўк гумбаз» намозгоҳига бордик — қурилиш, Одина масжидига бордик — қурилиш, Гумбази Саидон мажмуасига бордик — қурилиш! «Оқ сарой» мажмуасини айландик — қурилиш!.. Қалбида айём бўлмаган одамнинг қўли ишга бормайди, бундан чиқди, қашқадарёликлар Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигини, Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини зўр шодиёна сифатида қаршиламоқдалар.

Йўл бўйи пахтазор. Ҳадемай чамандек оққа бурканадиган далалар офтоб нурини беармон эмаяпти.

— Ғўзалар ҳарсиллаяпти, — дейди ҳуқуқшунос шоир Холмуҳаммад Ҳасан.

— Шу йилнинг ўзида вилоят далаларига керагидан бир неча миллион куб метр сув етишмаяпти, — деди ташвиш оҳангида «Қишлоқ ҳаёти»нинг бош муҳаррири Ўткир Раҳмат.

— Э, дўстлар, кангул тўқ бўлса, сув танқислигининг чораси ҳам топилади, — дейди бўш келмай шоир Икром Отамурод.

— Ҳа, биз пахтакорларимизга ишонамиз, — илова қилди устоз шоир Жуманиёз Жабборов.

Йўлда йўлдош қаламкашлар гурунги қайси мавзуга бурилмасин, улар мустақиллик байрамига, қашқадарёлик меҳнаткашларнинг ажабтовур ғайрат-шижоатига бориб тақалади. Қаршидан Қамашига, Қамашидан Яккабоғга, у ердан Шаҳрисабзга, йўлнинг давоми Китобга. Қашқадарё ҳам бепоён экан-е!..

— Иқтисодиёт коллежи!

— Касб-ҳунар коллежи!

— Педагогика коллежи!

— Санъат коллежи!

«Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи, таниқли публицист Шуҳрат Жабборов йўл узра кўзга «ярқ» этиб ташланадиган бирибиридан маҳобатли ва кўркам биноларни кўрганда шу тариқа тантанавор оҳангда эълон қилади.

Қамашидаги педагогика-иқтисодиёт коллежи залига бутун туман қишлоқларидан вакиллар жам бўлишибди.

— Коллежимизга Президентимиз келганлар! — деб ғурурланди директор Нормўмин Абиров. — Ҳозир ўқув юртимизда нақ 1100 нафар ўқувчи таҳсил олаяпти!

Ҳамроҳларимиз кираверишдаги «Юртбошимиз коллежимиз меҳмони» деб номланган фотокўргазма олдидан анчагача узоқлашмай туриб қолишди. Гуруҳимиз сардори — Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмамизнинг раиси Абдулла Орипов йиғилганларнинг дилидаги энг муқаддас туйғулар ва истакларни топиб-топиб, териб-териб айтди:

— Соҳибқирон бобомиз шу жойларда от суриб, улуғ давлат тузиш режаларини хаёлидан ўтказган бўлса, ўтган асрнинг 80-йилларида муҳтарам Президентимиз мустақиллик лойиҳасини тузган бу ерларда. Истиқлолимизнинг илк нафаси шу ерларда кезган!..

Кўзни кўрсин деб яратди,
Қўлни қурсин деб яратди...

Халқ шоири Маҳмуд Тоир ижод дафтаридаги бу шеърни жуда топиб, жуда жойида ўқиди. Ғузор тумани томонлардан келаётиб Қовчин қишлоғида тўхтадик. Тоҳир-Зуҳра севишганлар хиёбонига қадам ранжида қилдик. Тўғриси, шу чоққа довур бу масканга келмаганим ўзимга нашъа қилди. Хорижда шундай гўша қурилса борми, сайёҳларнинг оёғи узилмайди. Миллий эртак — ривоят сюжетлари асосида бунёд этилган бундай ноёб манзиллар жарақ-жарақ доллартопар масканга айланиб кетади!

— Ислом Абдуғаниевич бизнинг вилоят раҳбари бўлган кезларда шу хиёбон ғоясини илгари сурган эди! Ўн бешга яқин хилма-хил тарху андоза чизилган. Мана шуниси маъқул деб топилган!

Хассос файласуф олим, маърифатшунос Абдураҳим Эркаев вилоятнинг олис-яқин тарихига доир маълумотларни зўр ҳаяжон, ҳадсиз бир ифтихор билан ҳикоя қилади.

Ўтмишга, мозийга бўлган эҳтиром яқинлашиб келаётган мустақиллик айёмига уланиб кетади. Бу учрашувларда кўзлари чақнаб ўтирган кекса-ю ёшлар, эркагу аёллар чеҳрасидан балқиб кўринади. Яккабоғда, сўнг — Шаҳрисабзда, сўнг — Китобда.

Носир Муҳаммад, Михли Сафаров, Мурод Абдулла, Салим Ашур, Зебо Мирзаева, Рустам Мусурмон, Янгибой Кўчқор, маҳаллий шоир ва шоиралар, ижодкорлар чиқишлари нафас олмай тингланди, қарсаклар билан олқишланди. Айниқса, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Сафар Остоннинг шўро даврининг сўнгги қатағон йиллари ҳақидаги хотиралари йиғилганлар қалбини ларзага солди.

Устоз Абдулла Ориф ушбу учрашувлар, ушбу катта сафар моҳиятини бир оғиз сўзда ифода этди:

— Барча саъй-ҳаракатларимиз, бепоён Қашқадарё воҳаси бўйлаб уюштирилган ушбу сафар чоғидаги учрашувлар ва дийдорлашувлар моҳиятида улуғ мақсадимиз — буюк истиқболни кўзлаб қилинаётган ишлар, чекилаётган заҳматлар шукуҳи мужассам.

Ҳаяжонларга бой мулоқотлар иштирокчилари яна бир бор амин бўлдиларки, пойтахтда фаолият юритаётган ижод аҳли билан юзма-юз суҳбатлар, гурунглар қуришга вилоят меҳнаткашлари ҳамиша ташна.

«Доимо телевизурда кўринадиган таниш одамлар билан мана бундай кўришишнинг завқи бўлакча экан!..»

Учрашувлардан бирида кекса онахон айтган шу сўзларнинг садағаси кетсанг арзийди, зеро, оддий кишиларимиз меҳрини қозониш — ижодкор учун ҳам айём!..

Юксакдан-юксак, муқаддасдан-муқаддас мақсадимиз ҳам битта — миллат якдиллиги ва ҳамжиҳатлиги!..

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.

ОТ МИНГАН ОДАМ БОТИР БЎЛАДИ



Ҳасан ака Қўшбоқовни Зоминда кўпчилик ҳурмат қилади. Уволлик чавандоз ўз даврида тилга тушган, ном чиқарган. Унинг болалиги оғир уруш йилларига тўғри келди, қилмаган юмуши қолмади. Одамларнинг молу қўйини бокди. Трактор минди. Машина ҳайдади. Эсини танибдики, фақат меҳнат қилади. Ҳасан ака уч қиз, тўрт ўғилни уй-жойли қилди. Ҳозир қиркдан ошиқ невара-чеваралари боболари олдида парвона. У умр йўлдоши Хурсаной она билан фарзандларини мўминкобил, эл-юртга қайишадиган инсонлар қилиб тарияларганидан мамнун. Ўз тақдиридан миннатдор.

Истиқлол туфайли қишлоқдошлари қатори Ҳасан Қўшбоқов ҳам ерга эгалик ҳиссини юрак-юрагидан ҳис қилди. Увол қишлоғи юқорисидаги қир-адирлардан ер очди. Ерга бор меҳрини берди. Она ер эса ўзига меҳр ва ғамхўрлик кўрсатаётган одамни ноумид қўймайди. Чавандоз буғдой экди. Зиғир тикди. Арпа ундирди.

Ўтган йили кўклам серёғин келди. Ҳосилдорлик Ҳасан аканинг мўлжалидан ҳам ортиқ бўлди. Омбор дон-дунга тўлди... Қозон-чўмич эса мойга. Орттирган даромадидан трактор харид қилди. Кам таъминланган қишлоқдошларига баҳоли қудрат ёрдам берди. Яна Уволдаги Жомеъ масжиди ва «Парпи ойим» зиёратгоҳи қурилишига бош-қош бўлди. Қурилиш ишларига, таъмирлашга моддий ёрдам қўлини чўзди.

Яратганга шукр, юртимиз истиқлоли кўзларимизни очди. Кўксимизга ҳурлик офтоби тегди... Юртбошимиз «ишлайман, тадбиркор ёки фермер бўламан», деган одамга барча қулайликларни яратиб берди. Бундай имконият қайси юртда бор?

— Ҳаётидан нолиган одамни ёмон кўраман. Нолиб яшаган одамнинг косаси оқармайди. Нолигунча меҳнат қил. Меҳнат қилган одам бизнинг элда асло хор бўлмайди, — дейди Ҳасан ака.

«ОТИНГГА ХАРИДОР КЕЛСА, ЯНА ҚИЗИНГГА СОВЧИ КЕЛСА...»

Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» асарини ўқимаган одам кам бўлса керак. Ўша асардаги Сурхон полвонлари тимсолида уволлик чавондоз Ҳасан Қўшбоқовни ҳам кўриш мумкин. У отга жону дили билан меҳр қўйди. От билан тиллашди. От билан қиёмат дўст тутинди...

Яхши от уч ёшда ўргатилади. Сўнгра 5-6 ёшигача тарбия қилинади. От устида юрган одам ҳалол ва мард бўлиши лозим. Ўшанда от сизни кўзлаган манзилингизга элтади. Эҳ-е, шу от туфайли Ҳасан чавандоз не-не элларни кўрмади. Бу томони Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, ҳатто «совет» нинг даврида Москвагача бориб, мусобақалардан совға ва совринлар билан тўлиб – тошиб қайтди. Оқбулоқдаги улоқли тўйда унинг тулпори бир туя, тўрт тана, тўрт гилам ютиб олди. Ҳасан полвоннинг шогирдлари Султонхон, Ғаффор полвонларнинг довруғини эшитган ишқибозлар ҳайқириғидан кўпкари майдони ларзага келади. Эл-улус бу полвонларни олқишга кўмиб ташлади. Раҳматли Ўткир полвон, Назар, Фарҳод, Илаш полвон каби марду жасур полвонлар шу юртнинг фахри ва ифтихорига айланган.

Машойихдан сўрабдилар: «Айтинг, ким бахтли?» У киши дебди: «Отингга харидор келса, яна қизингга совчи келса...»

БЎРИ БИЛАН ОЛИШУВ

Бу воқеага 9-10 йил бўлди. Ҳасан ака Тошбек полвондан бир зўр от сотиб олди. Отмисан от... Баланд бўйли, зотдор. Кўкраклари кенг, келишган. «Ўша отни далада совутиб юргандим, — дейди кекса чавандоз. — Бешкуби қишлоғига борадиган йўлнинг бурумида жонивор қулоқларини динг қилиб, қаттиқ кишнади. От бўрининг ҳидини олган экан чамаси, қарасам эллик метрлар нари-берида сарғимтир йиртқич чўккалаб, биздан кўз узмай турибди. Ҳай-ҳайлаганимча бўрининг устига от солдим. Қашқир отнинг тўшига сапчиди... оёқларига ўткир тишларини ботирди... Лекин зўр от эмасми денг, бўрини оёқлари билан тўпдек тепиб юборди. Яна пишқириб кишнаганича қашқирни тишлаб олиб, улоқтириб юборди...

Тулпорга бас келишига кўзи етмаган йиртқич қочишга тушди. Ҳай-ҳайлаганича уни қува бошладик. Бўри баланд адирлар томонга қочди. Тагимдаги қорабайир от билан йиртқични изма-из қувиб боряпмиз. Қоча-қоча қашқир охири чарчади. Отнинг вужудидан пақирпақир тер қуйилди. Бўри сел ювиб кетган бир жарликка ўзини ташлаганича ётиб қолди. Отимдан тушиб, йиртқични қамчи билан савалай бошладим. У бирдан ташланиб қолди менга... Кўзлари оловдек ёниб, иррилаганича чап қўл бармоқларимни тишлади...

Тўнимнинг енгини ярмидан тишлаб, узиб олди. Мен эса бақириб, уни уравердим. Сўнг яқин-атрофдаги одамларни ёрдамга чақирдим. Бийдек дала. Овозимни эшитиб Суюн подачи ёрдамга келди. Биргаликда йиртқичнинг оёқларини боғлаб, отга ўнгардик... Бўрининг жони тошдан қаттиқ бўлар экан денг, шунча таёқ еса-да, бир «инг» демайди. Мард ҳайвон бўларкан бўри...

Келинлар жароҳатларимга дори-дармон қўйдилар. Онаси қўлларимни рўмол билан боғлади... Қишлоқнинг энг зўр итлари бўрини кўриб, ҳайиқишди. Йиртқичнинг жони қаттиқ бўлар экан, дедим, ўғилларим терисини шилиб олаётгандагина жон берди. Кейин билсам, Тошбек полвоннинг оти овчи-от экан. Оти бор одамнинг деви бўлади. Шу жумладан, отнинг ҳам. От минган одам эса ботир бўлади, мард бўлади. Оти бор одам ҳаловатидан кечади. Отга отдек бақувват одам тоб бера олади. Шу вафодор жониворнинг орқасидан «Ҳасан қўлбор» деган ном чиқардим. Шу элда кам бўлганим йўқ. Шукр! Умримдан розиман!»

ЭЪТИРОЗ

— Нега, от ҳақида, полвонлар ҳаёти тўғрисида ёзмайсизлар?! Улоқ-кўпкарили тўйлар камайиб бормоқда. Шуларни ёзинглар! Тўйларимиз бемаза куй-қўшиқлар, «шайтон ўйинлари»сиз ўтмай қолди. Булардан кўра улоқли тўйлар афзал эмасми, ахир? Қолаверса, болаларимиз от спорти билан шуғулланса, соғлом, бақувват бўлиб, юртимизга посбон бўлади.

Ҳа, азизлар, кекса чавандознинг ушбу фикрлари замирида эртанги кунимиз, фарзандларимиз келажаги ҳақида қайғуриш, миллий қадриятларимизни унутмаслик каби долзарб муаммолар ҳам борки, булар ҳақида шу қутлуғ заминда туғилиб ўсган ҳар бир ўзбек фарзанди лоқайдлик билан қарашга ҳаққи йўқ.

Норқул МАМИРОВ.

Янги рукн

*Таҳририят **«Партиямизнинг фаол аёллари»** номли янги рукн очди. Унда энг фаол аёллар ҳаёти, фаолияти ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.*

1. Аёлларимизга мустақиллик нима берди? 2. Мустақиллик даврида хотин-қизларнинг фаолиятини қандай баҳолайсиз?

Холида ОЧИЛОВА, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Хотин-қизлар қаноти раиси:

1. Мустақиллик йилларида аёлларнинг жамиятдаги фаоллиги янада ошди, уларнинг ўзига бўлган ишончи ортди. Аёлларимиз нафақат оилада, балки иш жойларида ҳам муносиб ўрин топиб, ютуқларга эришиб бормоқда, десак муболаға бўлмайди. Масалан, тадбиркорликда, фермерликда эркаклардан қолишмайдиган мард, уддабурон хотин-қизларимизнинг иши таҳсинга лойиқ. Улардаги куч ва иродани юзага чиқаришда истиқлол берган имкониятларнинг ўрни катта, албатта. Ўз соҳасининг билимдони бўлган раҳбар аёлларимиз эса оилада ҳам бахтли-саодатли. Бир қўлида бешикни, бирида дунёни тебратиб турган гулойимлар миллатимизнинг ори, юртимизнинг фахридир.

2. Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, сиёсий онгини ошириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Улар спорт, санъат, фан ва маданият соҳаларида ўз иқтидорларини намойиш этиб, хорижда ҳам миллатимиз шаънини ҳимоя қилаётир. Партиянинг аъзоси сифатида депутат аёлларимиз фаолиятига баҳо берадиган бўлсам, янги қонунлар қабул қилинишида бизнинг нуқтаи назаримиз билан ёндошадиганлар сафи кўплигидан қувонаман.

Дилбар ҚОБУЛОВА, ЎзМТДП Сирдарё вилоят Хотин-қизлар қаноти раиси:

1. Вилоятимизда фаол хотин-қизлар кўп. Уларнинг истиқлол йилларида эришган ва қўлга киритаётган муваффақиятларини мустақиллик берган бахт, дегим келади. Меҳнатидан бахт топаётганлар орасида турли соҳа кишилари бор. Узоққа бормайлик, ўз-ўзини бошқариш органлари — маҳаллаларда фаолият юритаётган диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ишини кузатайлик. Ватан остонадан бошланади, дейишади. Уларнинг сидқидилдан меҳнат қилаётганлигини кўриб, эл-юрт учун ҳар ким ўз касби, ҳунари билан хизмат қилаётгани ҳам ватанпарварликнинг бир кўриниши, десак янглишмаймиз.

2. Тўғриси, Мустақиллик хотин-қизларимизга рўзғор ишидан ортиб ишбилармонлик қобилиятини намоён этиш имконини ҳам берди. Ҳунармандчиликка, якка тадбиркорликка кенг йўл очилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлик ишини йўлга қўйди. Ҳалол меҳнат билан топган даромади ҳисобидан мактаб ёки масжид қураётган, муҳтожларга ҳомийлик қилаётган аёлларимизга қараб ўзбек аёлининг қалбида оналик меҳри билан ёнма-ён ғайрат ва шижоат яшаётганлигини англагандек бўламан. Уларга ўз олдиларига қўйган режаларини амалга ошириш йўлида матонат тилайман!

ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК!

Ёшлик умрнинг энг гўзал, энг сермазмун палласи. Шунинг учун бўлса керак, бу пайтда ўрганилган билим тошга ўйилган нақшдир, дейдилар. Бугуннинг ёшлари нималарга қизиқади? Уларнинг ютуқ ва камчиликлари нимада? Ёшларимизнинг сиёсий билими қай даражада? ЎзМТДП Марказий кенгаши «Ёшлар қаноти» мутахассиси Акмал Рўзитоев билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

— Партиядошларимизнинг кўпчилиги ёшлар. Уларнинг «Миллий тикланиш» партиясига муносабатини қандай баҳолайсиз?

— Мустақиллигимизнинг 15 йиллик даври тарих учун сониядай гап. Ўзбек халқи қадимий маданияти, тили, урф-одатлари, қадриятлари, фан ва маориф соҳасига — жаҳон тамаддунига қўшган улуши билан ўзига хос ўринга эга. Худди шу нарса — миллий ифтихор туйғуси мустақил бўлганимизга қадар гўёки «унутилган» — эътибордан соқит қилинган эди. Ёшларимиз Ватанни суймоқ туйғусидан чеклангандай бўлишар, бу эса миллий ўзлик ва эътиқоддан йироқлашувга — манқуртликка олиб борувчи йўл эди.

Мустақиллик барча фуқароларимизга, шу жумладан, биз — ёшларга жуда катта эркинлик ва ўз навбатида масъулият ҳамда дахлдорлик туйғусини берди. Ватан озодлиги, унинг равнақи, тинчлиги, осойишталиги, халқ фаровонлиги йўлида куч, ирода, билим ва имкониятларни сафарбар этиш тамойили берилди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига аъзо бўлган 68 минг сафдошларимизнинг 38,9 фоизини ёшлар ташкил этмоқда. Бу, албатта, катта куч. Ёшларнинг билими, касбий маҳорати, ташаббускорлиги аввало мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилиши керак, деган фикрга қўшиламан.

Ёшларнинг партиямизга муносабати масаласига келадиган бўлсак, жойлардаги учрашув ва мулоқотларда уларни ҳам партия дастурида айтилган гаплар ўйлантириб келаётганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Партиямиз сафига ишонч ва катта мақсадлар билан кираётган ёшларнинг режаларини қўллаб-қувватлагим келади.

— Доимо ёшлар орасидасиз, улар билан ишлайсиз. Ёшлар тафаккуридаги ўзгаришлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Истиқлол ҳаётнинг барча жабҳасига, шу жумладан, замондошларимиз тафаккурига ҳам ўзгаришлар олиб кирди. Назаримда, ёшларимизнинг тафаккуридан «лоқайдлик» деган оғир бир тош олиб ташланиб, ҳар ким ўз қобилиятига, имкониятига яраша иш ва ўқиш билан шуғулланишга киришди. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас эди. Масалан, ҳали бирор касб-корнинг этагини тутмаган ёшларни иш билан таъминлаш масаласи шулар жумласидандир. Ҳамма муаммолар бекорчиликдан келиб чиқади. Ўзларининг бўшанг, қатъиятсизлиги ва меҳнатдан қочиб юриши туфайли айрим «ақл ўргатувчилар»нинг тузоғига тушиб қолаётганларга маҳалла маъмурияти алоҳида эътибор қаратиши керак. Мактаб, коллеж, лицейлар, олийгоҳлардаги ўқувчи ва талаба ёшларни бирлаштириш осон. Аммо жамият ишларидан ўзини четга олиб юрувчилар ҳам бор. Уларни эътибордан четда қолдирмаслик керак, деб ўйлайман.

Юртимиз тараққиёти, илм-фан, маданият ва спорт соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар оз эмас. Уларда ёшларнинг алоҳида ўрни бор. Шунингдек, халқаро мусобақаларда бир қатор медаллар, соврinларни қўлга киритаётган ёшларимиз кўпаймоқда. Энг муҳими, улар ўзларига ишонмоқдалар. Бу ишонч ва қатъият бизга куч-қувват беради, ўз келажагига ишониб яшаётган ёшларга қанот бўлишимиз керак!



Партия ҳаёти

ЎзМТДП зиёлилар партияси бўлгани учун ҳам ёшлар маънавияти, миллий қадриятлар, маданият ва тараққиёт масалаларига жиддий эътибор берамиз. Ҳар бир ёш режаларимизни ўз фикри билан бойитса, ишларимиз янада ривож топади. Шу боис ҳам ўтказилаётган тадбирларда айтилган жиддий фикрларни ён дафтаримизга қайд этиб борамиз. Келажакдаги ишимизда уларга амал қиламиз.

— Хориж маданиятининг миллий қадриятларимизга ва ёшлар онгига салбий таъсири ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

— Бу ҳақда гап кетганда кўпларни лол қолдирган бой тарихимиз ҳақида ўйлаб қоламан. Ўзимизнинг гўзал, бетакрор маданиятимиз бор. Ота-боболаримиз, момоларимиз тафаккуридаги маданиятни ёқлаймиз. Улар асрлар давомида эъзозлаб келган ҳунармандчилик, зардўзлик анъаналари асосида ишланган маҳсулотлар, миллий либосларимиз қалбимизни тўлқинлантириб юборади.

Замонавийлик қулайликка, тезкорликка мослашишни талаб этиши табиий. Бироқ миллий ўзлигимиз, аждодлардан қолган ўлмас меросни унутиб қўйиш эвазига бунга эришилмаслиги керак. Ёшлар ҳақида гапирганда катталар кўпинча уларнинг кийиниши, муомала маданияти, жамоат жойларида ўзларини тута билишини назардан четда қолдирмайдилар. Қайсидир маънода инсонга ана шу томондан ҳам муносиб баҳо берилади-да! Қизларимизнинг юзидан ҳаё пардаси кўтарилмасин, уларни миллийлигимизга мос, ўзбекона либосларда кўришни истаймиз. Йигитларимиз ҳам одоб-ахлоқ мезонларини билиб гапиргани яхши. Ёшлик табиатан ҳаракатчанлик, кучқудрат ва гўзаллик дегани. Умрнинг бу фаслини беҳуда ўтказмаганлар ҳаётининг давоми ҳам сермазмун бўлади.

Насиба ОЧИЛОВА суҳбатлашди.

• Жамият ва қонун •

СОЛИҚ ТЎЛАШ ЁДИНГИЗДАН ЧИҚМАДИМИ?

Давлат фуқароларидан тегишли тартибда солиқ ундириб келади. "Тегишли тартибда" дейишимизнинг боиси тўловлар мажбурий ёки ихтиёрий тарзда амалга оширилиши мумкин. Ватанининг қудрати, гуллаб-яшнаши, элининг фаровон ҳаёти, эртанги куни давлат хазинасининг чўғига боғлиқ эканини тушунган ҳар бир киши зиммасидаги тўловни ўз вақтида бажаришни виждоний бурчи деб билади.

Мана, замонлар, унга уйғун тарзда солиқларнинг мазмун-моҳияти ҳам ўзгарди. Халқни қул қилиб, солиқ ниқобида бор-будини талаган қора кунлар ўтмишда қолди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш, бойиш, йирик мулк эгаси бўлиш, ҳатто, орттирган давлати, шонш-шуҳрати билан мамлакатга танилиш, дунёга чиқиш имкониятлари яратилди.

Шуни қувонч билан эътироф этишимиз лозимки, юртимизда фидойи, билимдон, изланувчан тадбиркорлар, фермерлар, саховатпешалар тобора кўпайиб бормоқда. Улар давлатимиз хазинасини бойитишда, ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлашда ибрат кўрсатишмоқда. Бу мулк шаклини ўзгартиришдан, бозор муносабатларига ўтишдан кўзда тутилган мақсадларимизнинг илк ифодаларидир. Бироқ шуни ҳам афсус билан айтишимиз лозимки, тадбиркорликнинг, ҳукуматимиз томонидан бу борада яратилаётган имкониятларнинг қадрини билмаётганлар ҳамон учраб турибди. Улар қабул қилинган ҳукумат қарорларини, амалдаги дастурларни четлаб ўтишга, хуфёна фаолият юритиб, солиқ тўловларидан қочишга уринишади.

Шундайлардан бири Самарқанд туманидаги Оқмачит маҳалласида яшовчи Қўлиев Фахри бўлиб чиқди. У ҳеч қандай ҳужжатларсиз қўлбола ёғ тайёрлаш билан шуғулланган. Бу эса нафақат қонунни бузиш, балки истеъмолчиларни алдаш, кўпчиликнинг ҳаётига хавф солиш ҳамдир. Кўсаҳо маҳалласида яшовчи Баҳодир Солиев, Акмал Кулиев, Мўлиён маҳалласида истиқомат қилувчи Собир Баратов, Сафеди ва Бекҳо маҳалла фуқаролари Фотеҳ Сўфиев ва Ўлмас Мавлонов, Боғимайдон, Кафтархона, Гулобод маҳалла аъзолари МуроД Остонов, Аҳрор Ражабов, Комил Низомов ва Санъат Умаровларни ҳам фақат кўпнинг чўнтагига кўз олайтираётган, эл соғлиғини ўйлашни эса хаёлига ҳам келтирмаётган кимсалар дейиш мумкин. Негаки, улар тайёрлаб сотаётган истеъмол маҳсулотларининг кафолати ҳеч қандай ҳужжатлар билан тасдиқланмаган.

Жорий йилда аниқланиб фош этилган цехлар, қўлбола маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчилар сони ўттиз нафарга яқинлашиб қолган. Энг ёмони улар орасида юқорида айтганимиздек, инсон саломатлиги билан боғлиқ, қатъий назоратда бўлиши лозим бўлган фаолият турларининг мавжудлигидир. Ун тегирмонлари, нонвойхоналар, ёғ, қандолатчилик цехлари, ошхоналар, яхна ичимликлар тайёрлаб сотиш билан пала-партиш машғул бўлаётганлар аҳоли саломатлигига хавф солмоқда. Лекин биз бу билан ўғринча қурилиш маҳсулотлари, чинни буюмлар, меҳ беллар, турли ғилофлар тайёрлаб сотаётганларнинг, пайвандлаш, монтаж ва дурадгорлик билан шуғулланиш ва аудио-видео кассеталар тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бироқ бу соҳада ҳам "тадбиркорлик" қилишни истовчилар учраб турибди. Улар на муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя қилинишини, на соҳага оид тадбиркорлик қилиш учун рухсатнома олиш шартлигини билишади. Масалан, жорий йилда ноқонуний равишда грамп-пластинкалар, аудио-видео кассеталар ва лазер дисклар ишлаб чиқариш, қўпайтириш, сотиш фаолияти билан шуғулланаётганларнинг ўн нафардан ортиғи аниқланди. Яхшиер Рашидов, Асрор Собиров ва Фароғат Азизова Даштаки боло маҳалласида истиқомат қилишади. Уларнинг яширинча фаолиятлари участка солиқ инспектори томонидан фош этилгунга қадар маҳалладаги масъул кишилар, қўни-қўшнилар қаёққа қарашди? Агар жамоатчилик таъсири сезиларли даражада бўлганида, бундай қонун бузилишлар содир этилмаган бўларди, албатта.

> **Яна бир гап. Ғайриқонуний ҳаракатлар назоратчилар нигоҳидан маълум муддат четда қолиши мумкин. Бироқ маҳалла-қўйнинг эътиборидан яшириш мушкул. Шундай бўлгач, маҳалла оқсоқоли, унинг фаол маслаҳатчилари, посбон ва бошқалар масъулиятни ҳис этишлари зарур.**

Дарҳақиқат, озмикўпми даромадни яширишга уриниш, солиқ тўлашдан бош тортиш давлат иқтисодига, тараққиётига хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас. Шу боис солиқдан қочувчиларни кечириб бўлмайди. Уларга қарши курашиш фақат ҳуқуқ идораларининг, солиқчиларнинг эмас, кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифасидир. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, солиқ тўлашдан бош тортилган жойда тартиб бузилишлар авж олади, одамлар ҳаёти хавф остида қолади. Буни аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида шу пайтга қадар ҳукм суриб келган бошбошдоқлик билан ҳам исботлаш мумкин. Яшириб нима қилдик, ўтиш даврида давлат тасарруфидаги автокорхоналар фаолияти сусайиб, тўхтаб қолгач, шахсий транспорт воситалари хизмати кучайди. Ҳаваскор ҳайдовчи гувоҳномаси билан йўловчи ташувчилар, носоз машина билан йўлга чиқувчилар, маст ҳолда рулга ўтирувчилар, йўл ҳақини истаганча белгиловчилар, йўналишини ўзгартириб ҳаракатланувчилар кўпайди. Бу ҳолатларни тартибга солиш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилинган бўлса-да, амалий ҳужжатларга панжа орасидан қаровчилар борлиги афсусланарлидир. Соле Жўраев, Алимуҳаммад Маматов, Сухроб Ибрагимов, Шерзод Муратов сингари "Дамас" русумидаги автомашиналарнинг ҳайдовчилари шулар жумласидандир.

Биз фикрларимизни далиллашда айрим қонунбузарларнинг исм-шарифларини, яшаш жойларини аниқ келтирдик. Бундан мақсадимиз ошкораликни таъминлаш, айбдорларнинг ўз хатоларини тўғри англаб, ҳалол тадбиркорликка ўтишига умид қилишдан иборатдир.

Хуллас, ходимларимиз "жиноятни аниқлаш, айбдорни жазолаш" услубига суяниб қолмасдан, эл орасига кенгроқ кириб боришга, улар билан бирга бўлишга интилмоқдалар. Зеро, солиқ маданияти юксалиши иқтисодиёт ривожининг пойдеворидир.

Зариф АМИНОВ,
Самарқанд туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

«МУСТАҚИЛЛИК САОДАТИ — АЁЛ ТАҚДИРИДА» кўрик-танловига

МАРЯМ ОПАНИНГ БАХТИ

Талабалик даврида Марямхон аъло ўқиди, яхшиларга ёндошди. Амалиётни Самарқанд шаҳрида ўтаган ёш врач у ерда машҳур, тажрибали шифокорлардан кўп нарсани ўрганди. Асли Қирғизистоннинг Ўш шаҳридан бўлган бу қизни касбига бўлган меҳр Сирдарё вилоятига етаклаб келди. Чўл ҳудудида врачлар етишмас, малакали акушер-гинеколог нафақат Гулистонга, балки бутун вилоятга жуда зарур эди. Марям Ҳожиматова баъзан тунлари «Тез ёрдам» орқали турли шаҳар ва туманлардаги шифокорларга ёрдам бериш учун борарди. Узоқ операциялардан сўнг ҳориб, лекин кимгадир нажот бера олганидан мамнун уйга қайтган тонгларда турмуш ўртоғи уни жилмайиб, далда бериб, кутиб оларди.

— Чарчаманг, Марямхон, Тангри кимни суйса, уни ҳаммага керак қилиб қўяр экан. Шифокорлар ҳам шу тоифадан, — дейишарди одамлар унга миннатдорчилик билдираётганларида. Шундай пайтда Марямхон ўз ишидан мамнун бўларди.

1992 йили Гулистон шаҳрида янги туғруқ мажмуаси қурилди. Тажрибали шифокор сифатида бу ерга опани бош шифокор этиб тайинладилар. 100 ўринли шифохонани замонавий туғруқхонага айлантиргунча жуда кўп меҳнат сарф қилинди. Бугун 244 нафар шифокор ишлайдиган бу мажмуа Гулистон шаҳри билан Мирзаобод тумани аҳолисига хизмат қилади. Айни пайтда туғруқхонада «Бехатар оналик» дастури бўйича иш олиб борилмоқда.

Марям опанинг меҳнати айниқса, мустақиллик йилларида эъзоз топди. 1994 йилда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати бўлди. М.Ҳожиматова депутат сифатида юртимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилувчи жуда кўп қонунлар қабул қилинишида ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашди. Опанинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб деб топилиб, 1996 йилда у «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Бугун шогирдларидан Зебо Бердиева, Гулноза Алимбоева, Эркинжон Ортиқов, Сабоҳат Бозорбоева, Шоира Қораева, Зулхумор Аллаёрова, Шаҳло Бобоқулова, Жамила Синдировалар устозининг ўгитларига амал қилиб, бор билим ва маҳоратларини амалиётга жорий этиб, камтарлик, ширинсуханликлари билан эл орасида ҳурмат топмоқдалар.

Аёл киши учун умр йўлдошидан яқинроқ суянчиқ, фарзанддан яқин киши, оиладай муқаддас даргоҳ йўқ. Опани ҳаёт бу томондан ҳам сийлаган. Умр йўлдоши Ҳамиджон Ҳожиматовнинг ҳам касби шифокор эди. Улар бахтли яшадилар.

— Куёвларим ўғлимдек бўлиб қолган, келинимни бир кун кўрмасам соғинаман. Ҳаммаси оиласи билан тинчлигидан қувонаман. Фақат неваралари суюб, боболари давр суриб юрмаганларидан куюнаман, — дейди Марям опа суҳбат орасида.

Туғруқхона. Тунда опани яна чақиришди. Туғруқ оғирроқ кечди. Биринчи фарзандини бағрига босган келинчакнинг миннатдор кўзлари қувончдан порлайди. Шифокор ўтказган бундай беҳаловат тунларнинг ҳисоби йўқ.

Яна бир оппоқ тонг отди. Ҳаётга умид ғунчаси бўлиб янги инсон кўшилди. Оппоқ тонгни атрофдагилар шодлиги, бахтиёрлигига гувоҳ бўлиб, улардан олқиш ва раҳматлар кутишнинг лаззатини фақат Марям опа сингари шифокорлар биладилар. Касбидан бахт топган кишиларга ҳавас қилсангиз арзийди. Марям опа ҳам ана шундай саодатли инсонлардан.

Дилором ИСМАДИЁРОВА.

ҲИКМАТЛАР

Икки нарсага одамлар доимо интиладилар, аммо ҳар доим ҳам бунга муяссар бўлавермайдилар. Биринчиси, саломатлик бўлса, иккинчиси, тинчликдир.

Беш нарсадан аввал беш нарсанинг қадрини билмоқ керак: касал бўлмасдан аввал саломатликни, қаримасдан олдин ёшликни, қашшоқликдан аввал бойликни, бандиликдан аввал озодликни, ўлимдан аввал тирикликни.

Тўрт нарса борки, уларнингози ҳам кўп. Булар: касаллик, олов, душман ва қадрдир.

Фамнинг давоси дўстлар дийдорини кўришдир.

Энг оғир дард нодонликдир.

Энг кучли касаллик пасткашликдир.

● *Такрор мутолаа*

Шойим БЎТАЕВ

ҲАЙКАЛ

Ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмаган, аслида кўзни сал каттароқ очиб қараса, ҳар қандай одам кўра оладиган оддий, айни пайтда ғаройиб воқеа содир бўлган шаҳарнинг боду ҳавоси, мева –чеваси ва бошқа майда-чуйдаси ҳақида меҳмон иримига кўлса-да, бир оғиз сўз айтмаганди. У фақат шаҳар ўртасидан ўтадиган, бир вақтлар суви зилолдай бўлган дарёнинг эндиликда чиқиндиларга тўлиб-тошиб, бўтанага айланиб, тупроқ қалъадаги девдай тўлғаниб оқиб ётишини ўз ҳикоясига қистириб ўтганди.

Шаҳарда аҳоли ғиж-бижмиш.

Баъзилар, уларнинг жудажуда иноқ яшашларини айтишармиш; баъзилар эса аксинча гап тарқатишарканки, осмондан тушиб, ердан чиққандек кўпайишиб кетган одамларнинг бирбирларини кўришга кўзлари, отишга ўқлари йўқ, дейишаркан. Ҳарҳолда, бу юримсак гапларнинг қай бири тўғри-ю, қай бири бўҳтонлигини ажрим қилиш бўтана сувни кўриб тургандай осон иш эмас экан.

Ўша шаҳарнинг ёшу қариси — етти яшардан етмиш яшаргача қурама оломон яқинда улкан бир анжуманга уюшқоқлик билан қатнашибдилар.

Ҳа, битикларда айнан шундай деб, «уюшқоқлик билан» деб ёзилибди.

Шундан сўнг аҳолининг бирбирлари билан ит мушук эмас, балки оға-ини эканликлари, қадрдонликлари ойдек равшанлашибди.

Анжуман!

Уюшқоқлигу иноқлик!

Ана шундай улуғвор ҳодисаларнинг бири иккинчисини тўлдириб кетаверади.

Хуллас, дарёнинг ўнг соҳилида эндигина битта-яримта осмонўпар уйлар, жамоат бинолари қурилаётганда, яъни обод қилинаётганда, бир ажойиб калладан бир ажойиб фикр чиқиб қолибди...

Ана шундай дамларда одамнинг эртаккаям ишонгиси келиб кетади.

Бироқ ўша шаҳардан бир бозорчи Турдиқул яшайдиган шаҳарнинг бозорига бориб қолиб, бунинг эртак эмас, айнан ҳақиқат эканлигини жиддий тарзда туриб айтди.

Ўз қулоғим билан эшитиб ишондим.

Турдиқул яшайдиган шаҳарнинг бозорига борганмисиз?!

Вой-бў! Етти иқлим бозорчиси йиғилиб шу ерга келади-ку!

Мол бозори,сомон бозори, дўппи бозори, қатиқ бозори, қовун бозори... — ҳаммаси алоҳида-алоҳида.

Тери бозориям бор.

Турдиқулнинг дўконидан одамнинг терисидан бўлак барча жонзотнинг териси топилади.

— Одамнинг териси бошқа жойларда, махсус дўконларда шилиниб, қуритилади, — дея ҳазил-ҳузил қилади Турдиқул.

Турдиқулнинг дўкони ҳамиша гавжум. Биров бирон нарса харид қиладими-қилмайдими — фарқсиз, кириб келиб, беш олти киши сиғадиган харракка ўтириб олади. Негаки, терифурушнинг узоқ-узоқ юртлардан йўқлаб келадиган ошнолари бисёр. Улар шунчалик кўп нарсаларни билишадики, эшитиб ёқанги тутамлайсан, тавба, тарвуздай бир каллага шунча гап сиғадими-я, дея ҳайрон қоласан.

Ҳалиги шаҳардан келган бозорчиям Турдиқулнинг дўконида чой ичиб ўтириб, не хаёлда, бирданига бир каллалик одамнинг фикри билан дарёнинг ўнг соҳилига, бутун шаҳарга кўринадиган тепаликка жуда ҳайбатли ҳайкал ўрнатилганини айтиб қолди.

— Неча йилда қуришди?— деб сўради Турдиқулнинг сомонфуруш ошнаси.

— Икки йилми-уч йилми, ишқилиб шунақа-да! — деди меҳмон

— Бўйи ҳам анча бордир-а? — сўради яна кимдир.

— Икки –уч йилда қурилганидан кейин анча бўлади-да — дея меҳмонни ўрнига жавоб қайтарди Турдиқул, шуниям билмайсанми, дегандек қилиб.

— Мунча баланд, ҳайкал нимага керак экан-а? — деди хаёлга чўмиб қолган чархчи.

— Муҳофаза, хаспўшлаш учун, — дедим мен. Лекин жавобимга ҳеч ким тушунмади чамаси, ёинки тушунишса ҳам ўзларини овсарликка олиб туришдими — миқ этишмади. Хижолат тортиб, ўша саволга иккинчи жавобни ҳам қойиллатдим:

— Баъзи қушлар осмонда қанот қоқиб чарчашганда ана шунақа баланд ҳайкалларнинг бошига қўниб дам олишади!..

— Сафсата! — деди Турдиқул шартта юзингда кўзинг борми, демай

— Сафсата! — қўшилишди харракда ўтирганлар ҳам

Шундан сўнг сухбатга худабехуда қўшилиб кетавермай, жимдим, ўтиришга мажбур бўлдим.

Турдиқулни танишининг сўзига қараганда, ҳайкалнинг остидаги анча-мунча ер кўкламзорлаштирилибди. У, аниқроқ қилиб, беш олтита оёқялангга ҳовли бўладиган ер эди, деди. Мен ичимда унинг сўнгги гапига эътироз билдирдим, ташимга чиқарай десам Турдиқул дўконидан чиқариб юборишдан ҳам тоймайди. Ахир ҳайкал ўз номи билан ҳайкал-да! Беш олтита ялангоёқ бундан кейин ҳам уй-жойсиз кунини ўтказар, шунча вақтлардан бери бошида бошпанаси бормиди — бирор ери камайиб қолгани йўқ!

Чалғимайлик.

...Кўкаламзорлаштирилибди, фавворалар қурилибди, турфа гуллар экишибди. Ахийри, унинг очилиш куни етиб келибди. Бу нақ байрамга айланиб кетаёзибди. Кўкси ордену медалларга тўла таниқли-таниқли одамлар сўзга чиқишибди.

— Бу тунж ҳайкал асрлар оша ҳам тураверади! — дебди таниқли одамлардан бири.

— Лекин орадан икки- уч кун ўтгач, ҳайкалнинг устига мато ташлаб ёпиб қўйишибди, — деди меҳмон.

— Ие, нега? — чойнакнинг қопқоғини ушлаганча қотиб қолди Турдиқул.

— Ие, нега? — бошқаларнинг ҳам ҳайратларининг чеки йўқ эди. Меҳмон пиёладаги чойдан бир ҳўплаб, айтаймиайтмайми, дегандек кўзларини қисиброқ бир зум ўйланқираб турди.

— Э, айтаверинг! — қисталанг қилди Турдиқул.

— Э, айтаверинг! — чувиллашди харракдагилар ҳам. Меҳмон нимаики бўлса-бўлди, дегандек шарт қўл силтаб сўзида давом этди:

— Ҳайкалнинг чап қўли кўксига қовуштирилган, у ўнг қўлини чўзиб кунботар тарафга ишора қилиб турарди.

— Нима бўпти? — сўради Турдиқул.

Бошқалар ҳам шовқин солишди.

— Нима бўпти?

— Ҳайкал ўнги қўли билан ишора қилиб турган тарафда ўттиз йилдан буён аёллар қамоқхонаси бор экан. Бу қамоқхонани илгари ҳеч ким билмаскан, ҳайкал баҳонасида катта-ю кичикка аён бўлиб қолди. Битта-яримтаси, байбай, бу маҳобатли, зўр ҳайкал экан-да, хўш, қаёққа ишора қиляпти, деб сўрагудек бўлса, бошқаси, аёллар қамоқхонасига-да, деб кесатарди.

— Э-ҳа!.. — хитоб қилди Турдиқул.

— Э-ҳа! — хитоб қилишди бошқалар.

Ана шу биргина «Э-ҳа!»да оламжаҳон маъно яширинганлиги сизга аёндир.

— Кунлар ўтаверарди, — давом этди меҳмон. — Ҳайкалтарошлар ҳайкални чодирга ўраб олиб нимаики қилишса, қилиб ётишибди. Баъзи одамлар, эҳ, қамоқхонани ёпишармиш, аёлларни уй-уйларига қўйиб юборишармиш, боринглар, рўзғорларингга қараб, болаларингни эмизи-ийб, жимгина ўтирингглар, сизларгаям, бизгаям уят бўлиб кетди, дейишармишу ҳайкални сўнгра очишармиш, дейишса; баъзилар, аксинча, фикр юритиб, ҳайкални таг-туги билан қўпориб, мунда-ай муносиброқ жойга олиб кетишармиш, дейишгача боришди.

Бироқ қамоқхонани тарқатишни ҳам, мунда-ай муносиброқ жой топишнинг ҳам иложи бўлмаган шекилли, орадан анча вақт ўтгач, ҳайкалнинг ўнг қўлини кўксига қовуштиришиб, чап қўлини кунчиқар тарафга узатиб қўйишди.

— Ҳа-а, тузук, — енгил нафас олди Турдиқул.

— Ҳақиқат бор экан-ку! — тотли хўрсинишди бошқалар.

Уларнинг бу кайфияти узоққа бормади.

— Икки-уч кундан сўнг ҳайкалнинг устига яна мато ташлаб ёпиб қўйишди, — деди меҳмон.

— Ие, нега? — Турдиқулнинг оғзи очилиб қолди.

— Ие, нега? — бошқаларники ҳам шундай бўлди.

— Ҳайкалнинг чап қўли ишора қилиб турган жойда ўттиз йилдан буён эркаклар қамоқхонаси бор экан. Бу қамоқхонадан ҳам шаҳар аҳли бехабар экан, эшитиб, барчанинг танига титроқ кирди. Эмишки, бу ерда ашаддий каллакесарлар ётишармиш, битта-яримтаси қочиб чиққудек бўлса, ҳамманинг шўрига шўрва тўкилармиш; эмишки, улар ўша ердан туриб ҳам ҳукуматга сўзини ўтказа олишармиш, катталарнинг сир-асрорларини билишармиш... Ваҳима!

Турдиқул таассуф-ла бош чайқади.

Таассуф-ла бош чайқашди қолганлар ҳам.

— Куз ўтди, қиш ўтди, айни авжи баҳорда ҳайкалнинг устидаги матони тантанасиз, мусиқасиз, баайни тобутпўшни олгандай олишди, — деди меҳмон ҳам маъюс тортиб қолган ҳолда. — Энди унинг ўнг қўли тўғрига, баайни ойдин йўлларни кўрсатаётгандек узатиб қўйилган, чап қўли эса кўксига қовуштирилганди.

Ерга кириб кетай деб ўтирган Турдиқул қаддини тиклади.

Харракдагилар ҳам елкаларини кўтаришди.

— Хайрият-э! — чуқур нафас олди Турдиқул.

— Хайрият-э! — чуқур нафас олишди бошқалар.

— Аммо роппа-роса бир ҳафтадан сўнг ҳайкалнинг устига яна мато ташлаб ёпиб қўйишди.

— Ие, нега? — Турдиқул ғазабланганидан ўрнидан туриб кетаёзди; кўзларидан нафрат сачради, беихтиёр мушт тугиб, хаёлан нималарнидир чилпарчин қилгиси, кимларнингдир қулоғи остида шавла қайнатгиси келди.

— Ие, нега? — бошқаларнинг ҳам кўзларининг пахтаси чиқиб кетаёзди.

— Дарёнинг чап соҳилида ўн қаватли меҳмонхона бор эди, — меҳмон совиб қолган чойдан ҳўплаб, қуруқшаган томоғини ҳўллаб олди. — Ўша меҳмонхонада ўша кунлари фоҳишабозлик, ўғрилик авжига чиқиб, кимлар бедаво дардга йўлиққан, кимлар шир яланғоч қолган, ҳамма ёқни шовшув, миш-миш тутганди. Меҳмонхона ходимларининг кўпчилигини ҳайкал чап ва ўнг қўллари билан кўрсатган жойларга жўнатишганди. Маҳобатли, зўр, ўзиям соф тунж ҳайкалнинг олдинга чўзилган тунж қўли ўша меҳмонхонани кўрсатиб турарди!..

Турдиқул адойи тамом бўлди. Ранги бўзариб:

— Уҳ-ҳ! — деди-ю, дам бошига, дам тиззасига муштлайверди.

Бошқалар ҳам адойи тамом бўлишди. Ранглари бўзариб:

— Уҳ-ҳ! — дейишди-ю, дам бошларига, дам тиззаларига муштлайверишди.

— Шундан сўнг ҳайкалнинг қўлини қаёққа қаратиб қўйилишини аҳолининг ўзи ҳал қиладиган бўлди, — деди меҳмон. — Одамлар гуррос-гуррос бўлиб келаверишди. Кейин таклифлар, муҳокама-мунозаралар бошланиб кетди. Биров ундай деди, биров бундай деди. Биров орқа томонни кўрсатади — у ёқдан ҳам бир чатоғи чиқиб турибди; биров алланечанчи градусдаги бурчакни таклиф қилади — кўп ўтмай рад этилади.

— Бир қўлини кўксига қовуштириб, иккинчисини осмонга узатиб қўйиш керак! — дея бақриди оломон орасидан кимдир.

— Маъқул, маъқул! — деган хитоблар янгради.

— Осмон тоза, қаранглар, ҳозир булут ҳам йўқ!

— У ёққа меҳмонхона ҳам қуриб бўлмайди!

— Қамоқхона ҳам қуриб бўлмайди!

— Яшасин, осмон!

— Осмонга тасаннолар!

Худди шу маҳал яна бир бақироқ аллақайси гўрдан чиқиб келиб:

— Халойиқ, тавба денглар, осмонда Худо бор-ку! — деб бақирди.

Оломон бир чайқалиб тушгач, жимлик чўкди. Ахир даҳрийнинг ҳайкали Худони кўрсатиб турса... Йўқ!

— Ишонманглар, Худо йўқ у ерда! —сукунатни бузишга журъат этди кимдир.

Оломон гувлади.

— Худо бўлмаса, ҳайкалнинг қўли нимани кўрсатади, ахир? — бақирди яна ҳалиги бақироқ.

Оломон орасидан:

— Ҳа-а, нимани кўрсатади? Нимани?! — деган товушлар чиқа бошлади.

— Иккала қўлиниям елкасидан узиб ташлаш керак! — деди яна кимдир ва шу заҳотиёқ қаршиликка учради:

— Ҳайкалда гуноҳ йўқ!..

Меҳмон узоқ тин олди. Турдиқул ҳам, харракдагилар ҳам бошларини солинқиратиб ўтиришарди.

Чархчи бир-икки гапни айлантириб, мавзуни ўзгартирмоқчи бўлганди, барибир, суҳбат қовушмади.

Ҳайкал воқеасини айтиб берган киши Турдиқулнинг дўконига тез-тез келиб турарди, негадир кейин-кейин умуман кўринмай кетди. Турдиқул ҳам анча ўзини олдириб қўйди. Рангу рўйи синиқди. Бу хафаликданми, бошқа нарсаданми — билолмадим. У негадир дўконининг кўрки бўлган харракни ташқарига улоқтириб, бу ҳам етмагандай, болта билан майдалаб ташлади.

1990 йил.

Ҳикоя

«МТ» китоб жавонига

«МАТЕМАТИК ЖУМБОҚЛАР»



Икки асосий йўл бурчак остида кесишади. Асосий йўллар орасидан дарё оқиб ўтган. Асосий йўллар орасидан тенг узоқликда бўладиган кўприкни дарёнинг қаерига қуриш мумкин?

Бу саволга жавоб топиш учун ҳисоб-китобни яхши билиш талаб этилади. Математикани янгича ўқитиш методикасини амалда қўллаш ниятида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси Умид Исмоилов яқинда «Математик жумбоқлар» номли янги китоб тайёрлади. Топишмоқли, жумбоқли масалалардан тузилган тўплам «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилди.

Муаллифнинг янги лотин имлосидаги «Эртакларда математика» номли китобчаси ҳам математикани яхши ўзлаштирмайдиган ўқувчилар учун қизиқарли эканлиги билан ажралиб туради. Тўпламга киритилган масалаларнинг мазмун-моҳияти ранг-баранг. Уларнинг айримлари математик усулларда ечилишни талаб қилса, аксарияти ўқувчини чуқур мантиқий фикрлашга ундайди.

Китобнинг сўзбошисида ёзилганидек, ўқувчиларнинг бундай масалалар устида ишлаши уларнинг тафаккур доирасининг кенгайишига, қувваи ҳофизасининг ортишига олиб келади.

АРУЗДА ШЕЪР ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти таниқли адабиётшунос Абдулла Аъзамнинг «Аруз» деб номланган китобини нашрдан чиқарди.

Ушбу китоб бугунги адабиёт ихлосмандларининг арузга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сабоқлари асосида яратилган.

Китобда Шарқ мумтоз шеъриятининг асосий ўлчови бўлган аруз ва унинг қонун-қоидалари ҳақида атрофлича мулоҳазалар юритилади ва у ҳеч қачон эскирмаслиги, билъакс, ўзига хос маҳорат мактаби эканлиги ҳақида сўз боради.

Асар «Аруз ҳақида мубоҳасалар», «Аруз эскирганми?», «Арузий шеър қандай ўқилади?», «Арузда шеър қандай ёзилади?», «Арузнинг содда назарияси», «Арузнинг келажаги» каби бўлимлардан иборат бўлиб, сиз ушбу кўлланма асардан аруз ҳақидаги ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб топасиз, деб ўйлаймиз.

Нодир ЮСУФЖОНОВ, ЎзДЖТУ талабаси.

● *Муаммо*

АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ, ЎЗИМИЗНИ АСРАШДИР

Инсоният тарихи жуда кўп экологик таназзулларни бошидан кечирган ва уларнинг ҳар қайсиси жамиятда жуда жиддий эврилишларни юзага келтирган. Ҳар гал инсониятга глобаллашув таҳдидларини ўйласам, кўз ўнгимда Орол фожеаси бор бўй-басти билан намоён бўлади. Табиат ўзига қилинган зуғумни кечиролмаслиги кундай равшан.

Заҳматкаш ёзувчи Тўлепберген Қайипбергенов «Бобомга хатлар» китобида Орол ҳалокатини отанинг, Амударё ва Сирдарёнинг қуриб қолишини онанинг ўлимига қиёслайди. Энди тасаввур қилинг, инсон учун ота-онасидай азиз нарсани йўқотиш қанчалар азоб беради. Бу фожиа бугунги кунда нафақат қорақалпоқ халқининг, балки бутун дунё аҳлининг мусибатига айланганлиги рост. Собиқ шўролар даврида мавжуд бошқарув усулининг ярамаслиги ва бу мамлакат аграр хўжалиги узоқ йиллар давомида режасиз иш юритилганлиги натижасида содир этилган. Ҳозир Орол денгизи атрофидаги экологик бухрон ерли аҳоли учун қанчадан-қанча муаммолар туғдирмоқда.

Ёзувчи билан бўлган бир суҳбатда Оролбўйи оналарининг сути заҳарланганлиги, Қорақалпоғистон Республикасининг қатор туманларида шифокорларнинг чақалоқларни она сути билан боқишни маън этишгани ҳақида куюниб гапирганди. Мазкур минтақада болалар ўлими кўрсаткичи ҳам юқори. Шу боис «Бобомга хатлар» бадиҳасини шунчаки ўқиб бўлмайди. Уйғоқ қалб борки, экологик таҳдиднинг олдини олишни, келажак авлод саломатлиги учун қайғуришни канда қилмайди.

Мен «Бобомга хатлар»ни зўр изтироб билан мутолаа қилдим. Китоб қаҳрамонлари Оролнинг ўтмиши билан бугунини солиштиради. Қачонлардир кучли тўлқинларни ўз бошидан кечирган денгиз ҳувиллаб қолди. Оролнинг қуриши маҳаллий аҳолини иқтисодий танг аҳволга солиб қўйди. Инсониятнинг иқтисодий ва сиёсий тарихи ҳамиша табиий шароитларга боғлиқ бўлиб келган.

Дарҳақиқат, бугун бизнинг олдимизда ғоят улкан вазифа турибди. Бу мавжуд экологик муҳитни тубдан ўзгартириш лозимлигидир. Экологиянинг глобал муаммолигини назарда тутган ҳолда, уни ҳамжиҳатлик йўли билан ҳал қилиш лозим. Т.Қайипбергеновнинг «Бобомга хатлар» китоби ўқувчини ана шундай қалб уйғоқлигига даъват этади. Ёзувчи экологик муаммо хусусида жуда кўплаб публицистик чиқишлар қилган, аммо мазкур китоб уларнинг барчасига яхлит хулоса бўлганлигини илғаш қийин эмас.

Дўппини бир четга суриб, мушоҳада қилайлик, нега биз мавжуд экологик муаммоларни бартараф қилиш ўрнига, мудом хатоликларга йўл қўямиз? Ахир, арзимаган бўлиб кўринган табиатга зуғум ўзимизга уч ҳисса ортиғи билан қайтаётгани аён-ку?! Ёшларимиз онгига мана шу мулоҳазаларни мутолаа орқали ҳам чуқур сингдиришимиз зарур. Токи, экологик таҳддидан бошларимизни чангаллаб қолмайлик.

Алишер МАТЁҚУБОВ, ЎзДЖТУ ўқитувчиси.

● *Хориж тажрибаси*

КИЧИК КОРХОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ривожланаётган мамлакатларда аҳолига хизмат кўрсатувчи ишбилармонларга кўмак беришда тижорий бўлмаган ўзига хос, хусусий маблағдан қувват олувчи Ашока Программ ташкилоти мавжуд. Унинг таъсисчилари ижтимоий фаровонлик манфаати йўлида ҳам янги амалий ғоялар таклиф этади, ҳам уларни амалда қўллаш усулларига ўргатади. Асосан Лотин Америкасида фаолият юритувчи ана шундай ташкилот Эксион Интернешнл фирмаси кичик миқдорли қарзлар бериш йўлларини таъсис этди. Унинг ихтиёрида 14 давлатда 147 000 қарздор тушиб, фирма ўз харажатларини деярли ўзи қоплайди. Бундай тажрибани Бангладешнинг Грэмин банки ва Индонезиянинг Ракьят банки ўрганиб, жорий этди.

Мисол учун, Индонезиянинг Сурабая шаҳридан ташқарида маҳаллий группалар ювиш-тозалаш воситалари, электр ускуналари, бамбукдан ясалган мебель ва кашта тикилган буюмлар ишлаб чиқаради ҳамда қишлоқ хўжалигига оид турли хизмат кўрсатади. Улар ўз ресурсларини бирлаштириб фуқароларга қарз беришнинг муқобил программасини тақдим этишга ҳам қодир. Аёллар ва болалар эса асосий имтиёз олувчилар қаторидан ўрин олган.

Бразилияда 70 фоиз аҳоли шаҳарларда яшайди ва уларнинг аксарияти сифатли уй-жойга эриша олмайди. Сабаби, пишиқ ғиштнинг нархи жуда қиммат. Рисайфда собиқ химик-муҳандис Альданио Карвалхо саноат чиқиндиларини қоришириб, арзон ва мустаҳкам ғишт ясашга эришди. Бундай ғишт қимматбаҳо қуйдириш жараёнини талаб этмайди. Чиқиндилардан маҳсулот яратиш сезиларли тежамкорликдир.

Митти корхоналар ривожланаётган давлатларда азалий муаммо — улар кредит олишга камдан-кам ҳолларда муваффақ бўлишади.

Ривожланаётган мамлакатларда митти корхоналарни тараққий эттириш оқилона устама фоизли молия компанияси ҳисобланади. Бундай молиявий мадад берувчилар ривожланаётган давлатларда ўзига-ўзи иш топувчи кўча савдогарларидан тортиб, то эркин электриклар ва кавшарловчиларга қадар кенг қамровли, «норасмий сектор» деб аталувчи соҳадан даромад чиқаради.

Кўплаб жамиятларда савдогарлар ёки корчалонлар қораланади. Айрим ҳолларда уларнинг фаолияти сиқув остига олинади ёки маън этилади. Бундай хатти-ҳаракатлар аслида ўша жамиятнинг ўзи учун қимматга тушади. Инсоният тараққиёт сари интиларкан, хато қилиши мумкин, бироқ ҳамма нарсани ўзим биламан деган жамиятнинг хатосидан оғир хатонинг ўзи йўқ. Қанча эркинлик берилса, шунча кўп ғоя туғилади, ғоялар қанча кўп бўлса, ривожланиш имкони ҳам шунча кўп бўлади.

Малоҳат ЭРҲОНОВА, Тошкент молия институти талабаси.

«МУСТАҚИЛЛИК — ЁШЛАР НИГОҲИДА»
кўрик-танловига

ҒУРУРЛИ ЭЛМИЗ

Эртани ўйлаган умидвор элмиз,
Буюк давлат қурмоқ орзуимиз бор.
Улуғ мақсадларга интилган инсон
Ҳатто чумолига етказмас озор.

Биз — бойлик ортидан қувмаган элмиз,
Дўстликни ҳар недан қўямиз устун.
Мусаффо орзулар қанот ёзган он
Пойдевор қўямиз келажак учун.

Қадрлай оламиз қадрдонларни,
Қалбида уммон бор, сурурли элмиз.
Камситиб қўймаймиз бирорта жонни,
Фахрли элдирмиз, ғурурли элмиз.

Соат милларини олдга бурамиз,
Унутмаймиз асло тарихимизни.
Қалбларда барг ёзган орзулар билан
Қўкка кўтарамиз миллатимизни.

Хуррам РАИМОВ,
Сурхондарё вилояти.

ЯШАМОҚДАН МАЗМУН НИМА ЭЛ ДЕМАСАНГ

Меҳр бир нур — гул кашф этар ҳар шонангга,
Юлдуз сочар зулмат кеча осмонингга,
Кўнгил сўраб, бошин эгиб остонангга,
Эшик қоқиб меҳмон кирса, кел, демасанг,
Яшамоқдан мазмун нима эл демасанг.

Ҳовлисида гуркираган райҳонлари,
Болаларга тўла ую айвонлари,
Озор чексанг, оғриб кетади жонлари,
Дардинг айтиб, онангга бир ёрилмасанг,
Яшамоқдан мазмун нима эл демасанг.

Қуёш тафтин ер олади, тупроқ олар,
Инсон дардин чин инсон энг кўпроқ олар,
Молу мулкинг ортингдан гар муштоқ қолар,
Нажот истаб биров келса, ол, демасанг,
Яшамоқдан мазмун нима эл демасанг.

Ватанини сотганларнинг иймони йўқ,
Бош қўйса гар қибласи, тўрт томони йўқ,
Бир иллат бор асло ундан ёмони йўқ,
Фарзандингга шу юрт учун ел демасанг,
Яшамоқдан мазмун нима эл демасанг.

Бир ушоқдан нон берса, халқ тўйдиради,
Йўғингни бор қилар, каминг тўлдиради,
Йиғласанг йиғлатар, кулсанг кулдиради,
Кўксимда бир ошён бу кўнгил демасанг,
Яшамоқдан мазмун нима эл демасанг.

Гарчи одам яралгандир олам учун,
Балки олам яралгандир одам учун,
Зар тупроқда тушган зарҳал қадам учун —
Истиқлолни энг нурли манзил демасанг,
Яшамоқдан мазмун нима эл демасанг.

Фахриддин ҲАЙИТ,
Тошкент шаҳри.

АЛЛА СОҒИНЧИ

Ҳеч ёдимдан чиқмайди. У вақтларда ёш бола эдим. Бир куни ойим уйга тушкун кайфиятда кириб келди-да, дадамга: «Мунис опангиз оғирлашиб қолибди», — деди. Оғирлашиб қолибди деган сўз менга жуда ғалати туюлди. Катталардан бурун Мунис момонинг ҳовлисига етиб бордим.

Шу катта ҳовлида момом ёлғиз ўзи яшарди. Якка-ю ягона ўғли Абдуллажон армияга кетиб, тирик қайтмаган. Болаларнинг айтишича, Абдулла тоғам афғоннинг ўқига учраган экан.

Шундан бери ёлғиз турар, кун бўйи кўчада кимнидир кутгандек йўл қараб ўтирардилар. Бир марта ўзим ҳам эшитганман, нима қилай, уйда жимгина ўтирай десам, бу ҳовли мени тириклай ютади, деб айтгандилар. Ўшанда момомнинг ҳовлиси мени ҳам ютиб юбормасин, деб анча вақт бу ҳовлига келмай юрганман. Тўғри, момомни қариндош-уруғлар ёлғизлатиб қўймасди. Дадам ҳам кунда бир хабар олиб турарди.

Хуллас, ҳозир барча қариндош-уруғлар бу ерга етиб келган, кимдир ҳовлини супураяпти, кимдир дарахтларни бутаяпти. Дарвоза ёнидаги пастаккина уйда момом ётибди. Секингина келиб деразадан мўраладим. Тўғриси, момом касал бўлиб қолгандан бери бу ерга келмай қўйгандим. Момомнинг жуссаси кичкина бўлиб қолган, онамнинг тиззасига бошини қўйиб олибди. Қуруқшаб ётган лаблари билан алаҳсираб, оналарини эслаб: «Онажон, алла айтинг», — деб пичирлардилар. Катта одамларнинг она, деб чақиришлари жуда ғалати туюларкан. Онам бошларидан ирғади-да, алла айта бошлади. Онам аллани жуда чиройли айтарди. Алла оҳангида момомнинг киртайган кўзлари аста юмилди.

Кет, десанг, Қашқар кетай, йўлда ёлғизлик ёмон,
Ёлғизликдан ким ўлибди, ҳаммадан ҳўрлик ёмон...

Аллани тинглар эканман, беихтиёр кўзимга ёш қуюлиб кела бошлади. Чидаб туролмадим, ўкириб йиғлаб юбордим. Шу аҳволда югурганимча кўчага чиқиб кетдим. Аллани тинглаб ухлаб қолган момом эса қайтиб уйғонмади.

Орадан анча йиллар ўтди. Ҳалигача ўша кунларни эсласам, маҳзун бўлиб қоламан. Шу йиллар асосида момом сўнгги дамда аллани қўмсаганлигининг сабаби гўдаклигидан етимлик заҳмини тортганлигидан эканлигини билдим.

Энди қаерда алла эшитсам, кўзимга ёш келаверади. Момомни эслайвераман. Айниқса, уйдан, онамдан олисда юрган кезларимда болалигимда эшитганим — онамнинг сехрли алласини соғинавераман.

Муҳаммад СИДДИҚ.

Бўлган воқеа

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Зузу» хусусий фирмаси асосан турли ёшдаги санъаткорлар учун бир неча хил миллий либослар тикишга ихтисослашган. Шунингдек, бу ерда спорт костюмлари ва мактаб формалари ҳам тайёрланади. Ҳозир жамоада 12 киши меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойида фирмада 3 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртма асосида харидорларга етказиб берилди.

Суратда: фирма раҳбари Салима Қодирова (чапдан биринчи), ишчилар Гулмира Турсунова ва Шаҳноза Қодирова билан тайёр маҳсулотнинг сифатини кўздан кечиришмоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Қачон, қаерда яратилган?

СОВУТГИЧ. *Аслида одамзот озиқ-овқатларни азал-азалдан совуқ жойларда сақлаб келишган. Шунинг учун ҳам қандай бўлмасин совутгич яратиш кўп одамларни қизиқтирган ва айнан шунинг учун бўлса керак, уч олим — англиялик Жон Лесли, франциялик Франсуа Каре ва олмониялик Фердинанд Виндхаузенлар деярли бир вақтнинг ўзида, яъни XIX асрнинг ўрталарида бирбиридан бехабар ҳолда совутгичлар ихтиро қилишган.*

1887 йили Парижда бўлиб ўтган саноат кўргазмасида биринчи марта совутгич намойиш этилган. Бу совутгичлар содда, катта, бироқ тежамсиз эди. Бундан ташқари, ҳаракат тартиби доимий эмасди. Озиқ-овқатлар 2-3 кун сақланарди, холос. Аммо бу янгилик ўша вақтда барибир катта шов-шувга эга эди.

ГУЛҚОҒОЗ. *Биласизми, гулқоғоз қачон ихтиро қилинган? 300 йил аввал. У яратилгунга қадар деворга нақшлар билан безатилган терилар ёки матолар илинган. Аммо бу ҳам барчанинг уйида эмас, фақат бадавлат одамларгина шундай қилиш имкониятига эга бўлишган. Кейинчалик эса қоғознинг анча қулайлиги аниқланди. У ҳам арзон, ҳам деворга осон ёпишади, бундан ташқари, ўзига чанг олмайди.*

ВЕЛОСИПЕД. *Бугунги кунда сайёрамизда 800 миллион велосипедчи бор экан. 1990 йилнинг охирида бу икки ғилдиракли транспорт ўзининг 150 ёшини «нишонлади». 1840 йили Шотландия фуқароси Кирпатрик Мак Миллан биринчи педалли ғилдиракни ихтиро этганди. Велосипед яратилишининг бир ярим асрлик тўйи чинакам байрамга айланиб кетган. Олмония, Голландия, Франция, АҚШ ҳамда Англиядан келган 500 дан ортиқ велосипедчилар ўзига хос мусобақа ўтказганлар.*

ЮРАКНИ ҚАНДАЙ АСРАШ МУМКИН?

Юрак ва қон-томир хасталиклари энг кўп тарқалган касалликлардан ҳисобланиб, улар келиб чиқишининг асосий сабаби атеросклероз ҳисобланади. Атеросклероз сўзи «athtre» — бўтқа ва «sclerosis» — қаттиқ сўзларидан олинган бўлиб, у қон томирлари деворларининг қалинлашиши ва қаттиқлашишини англатади.

Ушбу касаллик шифокорлар томонидан 200 йилдан ортиқ вақт давомида ўрганиб келинаётганлигига, сотувга чиқариладиган ёғларни холестеринсизлантириш каби кенг кўламли профилактик тадбирлар олиб борилишига қарамасдан унинг асосий сабаблари ҳамон ноаниқлигича қолмоқда. Олиб борилаётган умумий профилактик тадбирларнинг алоҳида шахсга нисбатан фойдали таъсири кузатилмаяпти (ушбу ҳолат Роуз парадокси деб аталади).

Шунинг учун ҳозирги пайтда атеросклерознинг хавфли асоратларини бартараф қилишнинг асосий йўлларидан бири хавфли омилларни бартараф этиш принципидир. Сўнгги йилларда шу йўл билан юрак-томир касалликларидан бирортаси билан касалланиши мумкин бўлган одамлардаги хавфли омилларни аниқлаш ва ҳар хил профилактик чора-тадбирлар ёрдамида уларга қарши курашиш йўли тутилмоқда. Бу юрак ва томир касалликлари, биринчи навбатда юрак ишемик касаллигини келтириб чиқарадиган омилларга қарши курашишга қаратилган бўлиб, соғломлаштиришнинг ушбу усули шифокор учун ҳам, бемор учун учун ҳам қулайдир.

Юрак ишемик касаллигини келтириб чиқарувчи омиллар икки турга бўлинади, яъни ўзгарувчан ёки улар томонидан юзага келувчи хавфни ўзгартириш мумкин бўлмаган омиллардир. Ўзгарувчан омилларга қон босимининг ошиши, қон таркибида холестериннинг кўпайиши каби физиологик ва биологик омиллар киради. Ўзгармас омилларга эса ёшликдан атеросклероз ривожланиш ҳолатлари киради.

Икки, уч ёки ундан ортиқ омилнинг биргаликда келиши юрак ишемик касаллиги ҳамда ўткир асоратлар келиб чиқиши хавфини оширади.

Юрак ва қон-томир касалликлари келиб чиқишига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан яна бири бу ижтимоий шарт-шароитлардир. Яъни атрофимизда бўлаётган воқеа ва ҳодисалар касаллик келиб чиқишига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта. Ушбу ҳолат биз учун янгилик эмас ва бунга мисол қилиб машҳур тарихчи ва файласуф Геродотнинг ушбу сўзларини келтириш мумкин: "Камон эгаси унинг ипини зарур пайтда таранг тортади».

ЗУМРАД тайёрлади.



Жаҳон ҳафта ичида

ИСРОИЛ — ЛИВАН МОЖАРОСИГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 11 августда қабул қилинган 1701-сонли резолюцияси Яқин Шарқдаги Исроил — Ливан можаросига барҳам берди.



Ушбу ҳужжат асосида 14 август, душанба куни соат 8.00 да ўқ узишлар тўхтатилди.

Аммо на Исроил армияси, на «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи ҳарбий ҳаракатларни муддатидан илгари тўхтатишни лозим топмади — 12-13 август кунлари тарафлар ўртасида отишмалар давом этиб турди.

Душанбага ўтар кечаси соат 2.00 да Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт ҳарбий ҳаракатлар интенсивлигини пасайтиришга кўрсатма берган бўлса-да, отишмалар фақат эрталаб соат 7.59 да ниҳоя топди.

Резолюция бир ой ичида Исроил армиясининг Ливан жанубини тарк этишини ва унинг ўрнини 15 мингдлик БМТ тинчликпарвар кучлари ва Ливан давлати армияси эгаллашини назарда тутади.

Резолюция кучга кирганидан сўнг Ливанда ҳаёт яна ўз маромига тушгандек. Кўчаларда машиналар қатнови тиғизлашди, одамлар фаоллашган. Аксар аҳоли харобага айланган бўлса-да, ўз уйларига қайтишмоқда. Икки миллиондан ортиқ қочқинларнинг тақдири эса БМТ ихтиёрида.

«БМТ ХК резолюциясида Ливан билан чегара ҳудудлардаги вазиятни бутунлай ўзгартириш имконини берувчи бандлар мавжуд, — дейди Эҳуд Олмерт, Исроилнинг ғалаба қозонганини таъкидлаб. — Бу ҳужжат Ливан жанубида охирги йилларда гуллаб-яшнаган террорчилик давлатини йўқ қилиш имконини беради». Бош вазир, шунингдек, Исроил давлати «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи етакчиларини «ҳар доим ва ҳар ерда» таъқиб остига олишини маълум қилган.

Бироқ оппозиция ҳукуматни белгиланган мақсадларга эриша олмаганликда айбламоқда. Ўғирлаб кетилган исроиллик ҳарбийлар ҳамон асирликда қолмоқда. «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи етакчиси шайх Ҳасан Насрулло ва унинг сафдошлари тирик.

34 кун давом этган уруш давомида Исроил тарафидан 158 киши ҳалок бўлди — уларнинг учдан икки қисми ҳарбийлардир, 160 киши яраланган. Ливан тарафининг йўқотишларини аниқ айтиш мушкул. Ливан ҳукумати маълумотларига қараганда, бомбардимонлар пайтида 1083 киши ўлган. Исроил, буларнинг 180 нафари «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи вакиллари бўлган, дея таъкидламоқда.

400 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК МАБЛАҒ ЎҒИРЛАНГАН

Нигериянинг коррупцияга алоқадор давлат раҳбарлари мамлакатнинг асосий бойлиги бўлмиш нефть маҳсулотларидан олинадиган даромадлардан қиймати 400 миллиард долларга тенг маблағни ўғирлашган.

Бу ҳақдаги маълумотларни Нигериянинг саноат пойтахти Лагос шаҳрида Иқтисодий ва молиявий жиноятларга қарши комиссия раиси Маллам Нуху Рибаду эълон қилди. Молиявий идоралар учун мутахассислар тайёрлаш маркази тингловчилари ҳузурида маъруза қилар экан, М.Н.Рибаду комиссия бундан буён давлатнинг юқори поғоналарида порахўрликка қарши жиддий кураш олиб боришини алоҳида қайд этган. Бу борадаги дастлабки чоралардан бири давлат хазинасидан ноқонуний равишда маблағ ўзлаштирган собиқ ва ҳозирги давлат раҳбарлари, сиёсий арбоблар рўйхатининг эълон қилиниши бўлади. Шунингдек, уларнинг банкдаги ҳисоб-рақамлари маълум қилинади.

АРИЭЛ ШАРОННИНГ АҲВОЛИ ОҒИРЛАШДИ

Исроил давлати собиқ бош вазири Ариэл Шароннинг соғлиғи жиддий ёмонлашган. Бу ҳақда «Шеба» шифохонаси маъмурияти маълум қилган.

Тафсилотлар ҳозирча маълум қилинмаган, аммо яқинда экс бош вазирнинг аҳволи хусусида батафсил ахборот берилиши айтиб ўтилган.

Эслатиб ўтамиз, А.Шарон шу йилнинг 4 январида инсульт касалини бошидан кечириб, «Хадасса Эйн-Керем» шифохонасига ётқизилганди. Бу ерда у тўрт ой ичида тўртта операцияни бошидан кечирди. Май ойида эса у Тел-Авив яқинидаги «Шеба» шифохонасига кўчирилган эди.

ИСТАМБУЛДА ПОРТЛАШ

Душанба куни Туркиядаги Истамбул шаҳрининг қадимий ноҳияларидан бирида портлаш содир этилди.

Дунёга машҳур Муқаддас София собори, Султон Аҳмад масжиди ва бошқа қатор тарихий обидалар жойлашган ҳудудда содир этилган портлаш натижасида уч киши (маҳаллий аҳоли вакили) жароҳатланган, улардан бирининг аҳволи оғир.

Ҳозирча Туркиядаги радикал гуруҳларнинг биронтаси портлашни ўз бўйнига олмаган.

ЯНА ПАРРАНДА ГРИППИ

Дунёда яна парранда гриппи билан касалланиш ҳоллари кузатилмоқда. Хитойнинг шимолий-ғарбида бир киши H5N1 вируси билан касаллиниши натижасида ҳалок бўлган.

ХХР соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига қараганда, 62 ёшли эркак киши Уйғур автоном вилоятида 12 июль куни ҳалок бўлган.

Хитойда парранда гриппи билан касалланиш дастлаб 2003 йилда қайд этилган. Ўшанда 24 ёшли киши ўткир пневмания ва юқори ҳарорат билан касалхонага жойлаштирилиб, бир неча кундан сўнг вафот этганди. Умуман олганда, Хитойда 20 та беморнинг парранда гриппи билан касалланганлиги кузатилган, улардан 14 нафари вафот этган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 923.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.00